O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ARNASOY TUMANI HOKIMI
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ДЖИЗАКСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ АРНАСАЙСКОГО
РАЙОНА РЕШЕНИЕ

“13” 02 2020 yil 77 son Arnasoy shaharchasi

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий Техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1–2-сон, 17-модда) 18-бандига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳудудидаги юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги ўтказиш муддати 2020 йил 1 мартдан 30 июнгача жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари учун 2020 йил 1 мартдан 31 августгача белгилансин.
2. Техник кўригини ўтказиш жадвали 1-иловага, техник кўрик ўтказиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Автотранспорт воситаларига эга бўлган барча корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналар раҳбарлари ва шахсий транспорт воситалари эгалари мавжуд транспорт воситаларини белгиланган муддатда техник кўригидан ўтказилишини таъминласин.
4. Туман ИИБ ЙҲХБ (Ш.Алимов)га 2020 йил учун автотранспорт воситалари техник кўриги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, техник кўрикни белгиланган тартибда ўз вақтида ўтказиш ҳамда кўрик натижалари тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот бериш вазифалари юклатилсин.
5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман хокимининг 2019 йил 5 мартдаги 742-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

DEVONXONA

Туман ҳокими в.в.б.: **О.Нобўтаев**

«13» 02
№ 77 -сонли карорига
илова

Арнасой тумани худудидаги халк хужалигида фойдаланадиган барча транспорт воситаларини, тиркама ва ярим тиркамаларни, фукароларга тегишли булган енгил автомашиналар, мотоциклларни 2020 йилда техник кўрикдан утказиш

Ж А Д В А Л И

т/р	Ташкилотлар номи	Техник курикдан утказиладиган кун вакти	Курикга такдим этиладиган транспортлар сони	Техник курик утказиладиган жой ва бажарувчи ходимлар	Маъсул ходимлар
1	А Латипов М.Ч.Ж	20.03.2020	17	Автокорхонада	Х Ашуров
2	Арнасой транс х.к.к	21.03.2020	2	ЙХХБ биноси	И.Маманов
3	ZOO PLANET мчж	22.03.2020	3	ЙХХБ биноси	Э.Туронов
4	Туман хокимлиги	23..03.2020	4	ЙХХБ биноси	Бош мухандис
5	Санзор Ф\Х	23.03.2020	6	ЙХХБ биноси	Р.Ёдгорова
6	Агоро банк	24.03.2020	4	Банк гаражи	З.Кодиркулов
7	Туман Ветернария	25.03.2020	2	ЙХХБ биноси	А.Абдурахимов
8	Тиббиет бирлашмаси	26..03.2020	4	ТТБ гаражи	М Абдусатарова
9	Солик Идораси	27.03.2020	4	ЙХХБ биноси	У.Холбутаев
10	Халк банки	28.03.2020	2	ЙХХБ биноси	Н.Исанов
11	А.Проекциях.к.к	29.03.2020	2	ЙХХБ биноси	А Хамраев
12	Зийрак зуккр х.к.к	30..03.2020	1	ЙХХБ биноси	К.Шодиев
13	Бутсифон Тулпор х/к	01.04.2020	1	ЙХХБ биноси	Б Абиров
14	Автойул корхонаси	02.04.2020	3	АВТОЙУЛ гар	Р.Сайдивалиев
15	Агротехсервис	03.04.2020	1	ЙХХБ биноси	МТП рахбари
16	Газ корхонаси	04.04.2020	1	ЙХХБ биноси	Б.Ашуров
17	Нурбекжон. А х/к к.к	05.04.2020	1	ЙХХБ биноси	А Хужамкулов
18	М.К.Т. Ватанпарвар	10.04.2020	3	ЙХХБ биноси	Рахбари
19	Пахта тозалаш завод	11.04 2020	1	ЙХХБ биноси	Бош мухандис
20	Ободонлаштириш	12.04.2020	2	Корхона гараж	Бош мухандис
21	Туман М.Ч.Ж лари	13.04.2020	7	ЙХХБ биноси	Рахбари
22	Фермер хужаликлар	20.04.2020	26	ЙХХБ биноси	Рахбари
23	Тоза худуд корхона	25.04.2020	2	ЙХХБ биноси	Рахбари
24	Туман даги МЧЖлар	27.04.2020	8	ЙХХБ биноси	Рахбари
	ЖАМИ		102		

Хужалик, ташкилот, корхона ва фермер хужаликларининг рахбарлари автотранспорт воситаларининг куриги бошлангунга кадар туман ички ишлар булимининг йул харакати хавфсизлик гурухи картотекаси хисобида турувчи автотранспорт воситалари хакида маълумотларни топшириши шарт. Муддати утиб яроксиз булиб колган транспорт воситалари ва уларнинг эхтиёт кисмлари тугрисида маълумотнома берилсин ва назорат утказилсин..

Шахсий транспорт воситаларини техник куриги хар куни соат 10-00 дан, якшанба кунлари эса соат 13-00 гача туман ИИБ ЙХХБ да утказилсин.

«РОЗИЛИК БЕРАМАН»
Арнасой туман ИИБ бошлиғи
подполковник **Ё.Акабоев**

«13» 02 2020
№ 77 -сонли
қарорига
илова

Арнасой туман худудида халк хужалигида фойдаланилаётган барча турдаги транспорт воситаларини, фукароларга тегишли булган енгил автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни 2020 йилда техник кўрикдан утказиш комиссияси

Т А Р К И Б И А Ъ З О Л А Р И :

1. Ш.Алимов	-	туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори комиссия раиси
2. А.Улуғмуродов	-	харакат хавфсизлиги мухандиси, комиссия раиси ўринбосари
3. Б.Алимов	-	туман мудофа ишлари бўлими бошлиғи
4. Х.Умуров	-	туман ДСИ бошлиғи

Изох: Комиссия аъзолари техникаларни кўрикдан утказиш давомида кўрик тугагунга кадар кўрикда катнашишлари шарт.

«13» 02 2020 йил
№ 77-сонли қарорига
илова

Арнасой тумани худудида жойлашган корхона ва ташкилотларга тегишли давлат тассаруфидаги хамда фуқароларга тегишли бўлган шахсий автомабиллари тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

Тегишлилиги	Сони	Алохида белгилар
Давлат тассаруфидаги автомашиналар	102	2020 йил холатига
Фуқароларга тегишли бўлган автомашиналар	1078	2020 йил холатига
Жами	**1080**	

Арнасой туман ИИБ бошлиғи
подполковник **Ё.Акабоев**